Ушбу сонда:
2 ЯНГИЛАНИШ КУРТАКЛАРИ
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 *Масала кўндаланг қўйилади* ЧОРАСИЗЛИК ТУФАЙЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 7 феврал, сешанба № 21 (2070)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ташаббус ўлмасин, ташаббус сўнмасин

«САХОВАТ УЙИ» ОШХОНАСИ

Кўнгил сиру-синоатлар, қамраб бўлмас меҳр маскanидир. Уни англаш учун нозик торларини бир-бир чертиб кўрмоқ жоиз. Ана шунда унинг оҳангини ҳис этиш мумкин. Саксон ёшни қоралаган отахонга не ташвиш дейсиз. Икки оғиз илиқ гап, меҳр тафти изҳори учун катта тараддудга тушди қолди. Янгиер шаҳридаги "Саховат уйи"га ана шу ўй бизни ҳам етаклаб келди. Табаррук нуронийнинг қулоғимизга айтадиган гапи ҳаловатимизни ўғирлади. Ҳаётдан бири мамнун, бири мазхун кексалар қалб изҳорининг адоғи йўқдек эди. Ҳаммасидан ҳам шу ерда истиқомат қилаётган қария Абдувоҳид Турдиевнинг аста пичирлаб айтган "сюрпризини" кўп кутишимизга тўғри келмади.

Кексаларнинг унсиз нигоҳидан кимнидир алқаётгани, миннатдорчиликни қалам орқали изҳор этишга жазм қилганини тушуниб етгандик. Кўп ўтмасдан Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича вакили Алишер Тожиевнинг қариялар даврасида қўл бериб, қучоқ очиб дийдорлашаётганига кўзимиз тушди. "Саховат уйи" нуронийларнинг юз-кўзларидан жигари, яқини ҳузурига ошиқиш ифодаси зоҳир эди. Гап совға-саломда эмас, кўнгилда эканлигига яна бир бора икрор бўлдик. Кексаларни тортиқ эмас, балки оловли меҳр тафти мамнун этганини тушуниш қийин эмасди. Юзлардаги табассумлар жилоси ҳам бундан белги бериб турарди. Тармоқ кенгаши вакили бир гал рангли телевизор қўлтиқлаб келса, кейингисида иссиқ кийимкечак билан пайдо бўлади. Қисқаси, топган-тутгани билан қариялар кўнглини овлаш пайида бўлаётгани эътиборга молик.

— Тармоқ ходимлари Марказий кенгашидан навбатдаги мурувват ёрдамини олгандик. Кексалар қўйнига қўл солиб уларга энг зарур эҳтиёжларни аниқлаб, харид қилдик, — дейди вакил. — Яна гапни ҳазилга буриб кетади. — Аммо отахонлар сотиб қўйибди-да. Уялиб қолдик. Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин деган ҳикматга амал қилишга ҳаракат қиламизу, сиримизни ошкор қилиб қўйишаяпти-да.

Гапимиз оғзимизда қолди. "Саховат уйи" ошхонаси томонидан қўлига асо ушлаган отахон қучоқ очиб келарди. Исми-шарифлари Алибобо Қосимов суҳбат тизгинини олди-кетди. Умрининг 31 йилини тоғу-тошда, дала-чўлда ўтказган бобо ўн саккиз йилдирки "Саховат уйи"ни макон тутган. Бу ерда қисмат чизиқлари туташган 51 нафар қария бор. Улар ҳукуматимиз ғамхўрлигини ҳис этиб яшашаяпди. Ворис Ҳабибулин ҳам қариялар уйи тўлақонли аъзоларидан бири. Касби ҳайдовчилик, умри йўлда ўтган. Кексайгач, ҳукумат қарамоғига олинган. Мана ҳеч нарсадан зориқмай умргузаронлик қилмоқда. Шароит тўкис, имконият тугал. Кексаларни изтиробга солгани дийдор тафти. Бугун уларнинг аксарияти яқинларини эсга олишмайди ҳам. Улар ўрнини босаётганлар ҳеч нарсадан кам қилмаяпти. Шулардан бири касаба уюшма вакиллари, десак ҳеч муболаға бўлмас. Биргина давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Марказий кенгаши вилоят вакиллиги йил давомида 3-4 карра меҳр улашиб турибди. Бундай эзгуликни дилга тукканлар сони оз эмас.

Мавзудан чекинмаган ҳолда вакилликнинг хайрли-савобли ишлардаги иштирокига жиндак ўрин беришни жоиз топдик. Поёнига етган йилда соҳа ходимлари саломатлигини муҳофазалаш, кўп фарзандли хонадонлар беғараз кўмак сифатида 44 та йўлланма билан таъминлади. Меҳнаткашларнинг 135 ўрнига 178 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. 2 та ёзма, 45 та оғзаки тарздаги мурожаатлар қонуний асосда ҳал этилди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантиришга маблағ сарфланаяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзимизда ишлаб чиқарилган

МИЖОЗ ЭСА ХОРИЖДА

Андижон вилояти Баликчи туманида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон-Германия-Швейцария "Баликчи-Текстил" қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Аммо шунга қарамай, корхона шу кунгача бирмунча ютуқларни қўлга киритишга улгурди.

Ўтган 2005 йили қўшма корхонада уч минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, ундан икки минг тўрт юз тонна калава-ип ишлаб чиқарилди.

Корхонада маҳсулот сифати ва моддий манфаатдорлик асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу ерда меҳнат жараёни асосан уч сменада ташкил этилган. Шунингдек, қўшма корхонада ишчилар учун барча қулайликлар яратилган.

Жорий йилда республикамиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида қўшма корхонада қўшимча калава-ип йигирув цехи ташкил этилиши ва янги калава-ип йигирувчи дастгоҳлар ўрнатилиши режалаштирилган. Янги дастгоҳлар ўрнатилгач, корхона бир минг беш юз тонна калава-ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу дегани яна 80 нафар ишчи учун янги иш ўринлари яратилади.

Ҳозирги кунда "Баликчи-Текстил" қўшма корхонаси маҳсулотларининг асосий қисми Германия, Туркия, Латвия ва Россия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Суратларда: (чапдан ўнгга) корхона ишчилари Гулнора Муллаева ва Барчиной Шариповалар; қайта ўриш цехи ишчиси Чарос Эргашева.

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган суратлар

ФИНЛЯНДИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Финляндия Республикаси Парламентининг хорижий ишлар қўмитаси раиси Лийса Яқонсаари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содиқ Сафоев билан учрашувда икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги муносабатлар ва парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самараларга, хусусан, икки палатали парламент тизимининг шакллантирилишига юксак баҳо бердилар.

Финляндия 2006 йилнинг иккинчи ярмида Европа Иттифоқига раислик қила бошлайди. Мулоқот чоғида томонлар қонунчилик борасида Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Делегация аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб, қуйи палата қўмита ва фракция раҳбарлари билан учрашдилар.

(ЎзА)

Шундай инсонлар бор бўлсин

Пахтакор туманида 836 та фермер хўжалиги бўлиб, бултур шундан 715 тасида ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 50 центнерга тўғри келди. Давлатга 25 минг 784 тонна дон сотилди.

Пахтачиликда ҳам туман фермерлари яхшигина тажриба тўплашган. Улар 15 минг 17 гектар майдонда пахта етиштириб, 39 минг тонналик улкан хирмон бунёд этишди. Ҳозирги кунда 25 минг гектардан ортиқ экин майдонлар фермерлар ихтиёрида. Ишга яроқли қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги улар томонидан иш билан таъминланган. Фермерларнинг ҳар бирида ўртача 6 киши доимий иш билан банд. Бу туман аҳолисининг 33 фоизини ташкил этади.

«ЭҲСОН»НИНГ ЭҲСОНИ КЎП

Туманда илғор, фидойи, саховатли фермерлар кўплаб топилади. Шулардан бири Назира Мамараҳимовадир. У 1996 йили "Самарқанд" хўжалиги ҳудудидан 20 гектар ер олиб, "Эҳсон" фермер хўжалигини ташкил этди. 2001 йилга келиб "Бахмал" агрохизмат марказида у томонидан "Шокир" фермер хўжалигига асос солинди. Айни пайтда унинг 70 гектар экин майдони мавжуд. Жамоа ўтган йили 8 гектар майдондан 48 тонна ғалла етиштириб, 22 тоннасини давлатга сотди. Қолгани эса аъзолар ўртасида тақсимланди. Пахта режаси ҳам ошириб адо этилди.

Қишлоқ хўжалигидан 20 миллион сўм соф фойда олдилар. Фермернинг 40 бош майда ва яна шунча йирик шохли чорваси бор. 20 киши доимий иш билан таъминланган, 30 киши эса мавсумий ишлар билан банд. Мавсумда ҳар бир ишчига 1,5 тоннадан ғалла, 100 литрдан ўсимлик мойи, ҳар ойда 16 минг сўмдан нақд пул бериб борилади. Дала бошида ҳар куни бир маҳал бепул иссиқ овқат берилади. Сут-қатиқ, гўшт ва сабзавот, полиз маҳсулотлари ўзларида етиштирилади. Яна қўшимча ҳар бир ишчига 50 сотихдан томорқа ҳам ажратилган.

"Эҳсон" фермер хўжалигининг эҳсонлари жуда кўп. Энг аввало, ишчиларга ишлашлари ва яхши яшашлари учун етарли шароит яратилган. Дала бошида 2 та шинамгина дала шийпони қуриб берилган. Ҳар йили ўнлаб ишчилар республикамиздаги сиҳатгоҳларга юборилиб, соғлиқлари тикланмоқда. Ишчиларнинг 22 нафар фарзанди "Пахтакор" болалар оромгоҳида ёзги таътил пайтида дам олдирилди. Қишлоқ қўрғонида истиқомат қилаётган 6 та оилани фермер ўз оталиғига олган. "Гўзал" мактабгача таълим муассасаси ҳам тадбиркор ҳомийлигида. Фермер хўжаликда етиштирилаётган сабзавот, полиз маҳсулотлари, шунингдек, сут ва гўшт етказиб берилмоқда. Болалар спорти жамғармасига 1 миллион сўм маблағ ўтказилди.

Ҳа, 2 ўғил, 2 қизнинг онаси, 3 набиранинг буваси, қўш фермер Назира Мамараҳимовани саховатли ишлари талайгина. Унинг келгуси режалари янада улкан. Даромадлари эвазига 1 та "Олтой" русумли ҳайдов трактори ва яна 1 та ғалла ўриш комбайни сотиб олмоқчи. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи цех қурмоқчи.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

КЎРИК-ТАНЛОВ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1996 йилда мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг энг яхши вакиллари, ҳунармандлар ҳамда халқ усталари ўртасида «Ташаббус» кўрик-танлови таъсис этилган эди.

Келгуси ҳафтада Наманган вилояти шаҳар ва туманларида ушбу кўрик- танловнинг саралаш босқичлари бошланади. Бу тадбирларда ўнлаб иштирокчилар ўз иши натижаларини намойиш этиб, ютуқ ва тажриба алмашади.

Кўрик-танловда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, касаначилар - халқ ҳунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотларга алоҳида эътибор берилади.

Йўловчи ҳеч қачон ярим йўлда қолмайди. Хохласангиз, якка тартибдаги хусусий тадбиркорларнинг автоуловлари ёки давлат тасарруфидаги турли йўналишлардаги автотеххизмат воситалари хизматингизга шай. Лекин, сиз танлаган автоулов техник кўрикдан ўтганмикин? Ҳайдовчи гувоҳномаси малакалиганмикин?

Акционерлик жамиятида

КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛАРИ

500 нафарга кўпайди

Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, кейинги вақтга келиб наманганликлар "Муҳаммадсервис" автоуловларини суриштирадиган бўлиб қолишди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Наманган автотеххизмат акционерлик жамиятига қарашли 3-автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси бир қатор ташкилот, муассаса, корхоналар қатори ишловчи ходимларга ўз вақтида иш ҳақларини тўлай олмай қолди. Иш суръати пасайди. Ўз-ўзидан ишчилар бўшаб кета бошладилар.

Ушбу даргоҳга бир неча йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Абдураҳмон Каримовга бу ҳолат ёмон таъсир қилди. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари унинг жонига оро кирди. Хусусийлаштириш тўғрисидаги истиқлол нашидаси Абдураҳмон акага янги имкониятлар эшигини очди. Хуллас, 2002 йил декабр ойидан бошлаб корхона "Муҳаммадсервис" масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Дастлаб ишни ташкил қилиш бироз мушкул бўлди. Атиги 16 нафар ишчи хизмат қилаётган жамият кундан-кунга қаддини тиклай бошлади. Тадбиркорнинг елиб-югуришлари, куйиб-ёнишлари зое кетмади. Автотеххизмат станциясини хусусийлаштиришдаги дастлабки қадам Фарғона водийси, Қўқон шаҳридан бошланган эди, Абдураҳмон ака йиллар мобайнида қўқонликлар иш тажрибасини ўрганди. Ўзига хос тўсиқлар ҳам бўлди. Лекин қимки, хайрли иш учун чин юракдан ҳаракат қилса, албатта муродига етар экан.

Абдураҳмон ака ниятига, кўзлаган мақсадларига аста-секинлик билан эриша бошлади. У автомобилларга сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга фуқароларнинг узоғини яқин қилиш каби савобли ишга қўл урди. Корхона тасарруфида 500 нафар ҳайдовчи мавжуд бўлиб, тендер асосида танлов йўли билан ғолиблар ишга қабул қилинган. Масъулиятли, ишбилармон раҳбар ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшма ташкилоти тузиш кераклигини ҳис қилди. Чунки, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Ҳайдовчи тасодиф туфайли бахтсиз ҳодисага учрамайди, деб ким кафолат беради. Бахтсиз ҳодиса рўй берса, уларнинг тақдирини ким кафолатлайди. Шундай қилиб 560 нафар ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатаётган бу маскanда касаба уюшма ташкилоти тузилди. Ишловчилар эндиликда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий томондан қонун билан ҳимояланганлар. Уларнинг оила аъзолари, фарзандлари ҳам бу имкониятларга эга бўладилар. Ҳа, дарвоқе масъулияти чекланган бу жамиятнинг яна бир қулайлик томони якка тартибдаги тадбиркорлар лицензияси 44 минг сўм бўлса, мазкур корхонада атиги 26 минг сўмни ташкил қилади. Ўртача иш ҳақи 50 минг сўм бўлиб, ўз вақтида ҳайдовчиларга етказиб берилади. Бу корхонага аъзо бўлган ҳар бир ҳайдовчи иш бошлашдан олдин ҳар тонг тиббий кўрикдан, автоулови эса техник назоратдан ўтказилади. Мақсад, йўловчиларга сифатли, бехатар, самарали хизмат кўрсатиш.

"Муҳаммадсервис" — энг қулай, энг арзон ҳамроҳингиздир. Айни кунда 12 йўналиш бўйича фаолият олиб бориляпти. "Чорсу — Оромгоҳ", "Чорсу — Шўро", "Чорсу — Микрорайон", "Чорсу — Ғунча" каби йўналишлар шулар жумласидандир. Жамиятнинг ўз тартиб-қоидалари, имтиёзлари бор. Бу ерга 21 ёшдан катталар аъзоликка қабул қилинади.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Болалар спорти

ҚИЗЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш, аёлларга хос спорт турларини янада ривожлантириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда енгил атлетика, бадиий гимнастика, синхрон сузиш, теннис каби спорт турларини жойларда янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларни мунтазам ўтказиб келаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Пойтахтимизда қизлар ўртасида ташкил этилган навбатдаги спорт мусобақаларида юзлаб ёшлар иштирок этмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган мазкур тадбир Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Ҳозир маҳалла, мактаб ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари қизларидан тузилган жамоалар ўртасида мусобақанинг ҳудудий саралаш баҳслари қизғин давом этаяпти. Мусобақаларда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган қизлар баскетбол, волейбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат, шашка ва эстафета ўйинлари бўйича ўзаро куч синашмоқда.

Миробод туманида баскетбол, қўл тўпи ва шахмат турлари бўйича ҳудудий саралаш баҳслари якунланди. Унда ўн бир жамоа вакилалари иштирок этди. Шахматда 110-мактаб қизлари барча рақибларини мағлубиятга учратиб, туман босқичи баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Қизиқарли ўтган баскетбол баҳсларида 60-мактаб жамоаси вакилалари зафар қучди. Қўл тўпи бўйича ўтказилган беллашувларда 31-мактаб қизларига тенг келадиган жамоа топилмади.

(ЎзА)

Танқид ва таҳлил

ҚАРЗДОРНИНГ КОСАСИ ОҚАРМАЙДИ

А.Навоий номли ширкат хўжалигидаги хайрли юмушларга якин-якингача кўргонтепалик каттаю кичикнинг хаваси келарди. Чорва фермаси қўралари қўй-қўзига тўлган. Сўқимлар, корамолларга сукингиз киргудек. Семизлигидан сагринларида тухум турарди. Янги турмуш курган оилаларга текинга бузоқ билан говмиш совға қилиш ушбу ширкат хўжалигида урф бўлганди.

Боғ-роғларда шиғил-шиғил узум, сархил мевалар етишганидан омборлардан қишин-ёзин олмалару анорлар узилмасди. Қайси хонадонга меҳмонга кирсангиз, қаймоқ билан сийлашарди. Умрзоқ Холмирзаев бошлиқ бригаданинг довруғи республикага ёйилганлиги ҳам бор гап. Гектаридан 35-40 центнердан "оқ олтин" тайёрланиб, саркорнинг ўзи қўша-қўша орденлар билан рағбатлантирилган. Буларнинг ҳаммаси жамоадаги файзу барака, турмуш фаровонлигидан нишона эди.

Бугун эса, хўжаликнинг нуфузи бой берилган. 2005 йил якунлари буни тасдиқлаб турибди. Айниқса, рўзғорнинг боши — пахтачиликда иш орқага кетган. Белгиланганидан 422 тонна пахта қам етиштирилиб, шартномавий режа 81,64 фоизда қолди.Ҳосилдорлик эса 22,4 центнерга пасайди.

Халқимиз айтгандек, кўрпага қараб оёқ узатиш керак. Аммо хўжаликда харажатга зўр берилди. Ёқилғи-мойлаш материаллари, уруғлик, минерал ўғит ҳисобсиз деб ўйлашди чоғи. Гектарлар самарадорлиги ҳақида биров бош қотирмади. 151 миллион сўмлик нефт маҳсулотлари, 106 миллион сўмлик минерал ўғит ишлатилган бўлса-да, гектар бошига даромад салкам 700 минг сўм ўрнига 587 минг 841 сўмданни ташкил этди.

Бошқарув ҳайъатининг раиси Солижон Исмоилов, бош ҳисилот Машраббой Азизов пахтачиликдаги қолоқликни хаспўшлайдилар. Кўпинча ғаллачиликдаги, уруғлик пахта сотишдаги ютуқларни рўкач қилишга одатланганлар. Тўғри, 3333 тонналик бошоқли дон давлат буюртмасини ўринлаш, ҳосилдорликни 62,3 центнерга кўпайтиришнинг ўзи бўлмайди. 320 тонналик уруғлик пахта сотишдан топилган 50 миллион сўмликка яқин фойда ширкат рўзғорини тебратишга хамиртуруш бўлаётганлигини инкор этолмаймиз. Деҳконобод участкасида 30 ўринли янги қишлоқ врачлик пункти, гузар қурилиб ишга туширилганлиги ҳам аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича йиллар давомидаги қилинаётган хайрли юмушларнинг бири.

Барибир хўжаликнинг молиявий аҳволи танглигича қолмоқда. Мутасаддилар айни табиатга тўнкашга уринди-лар.

— Бултур баҳорги ёмғирлар кўз очиришга қўймади, - дейди раис С.Исмоилов. — Чигит кеч қадалиб, бузиб экишлар кўпайди, уруғ сарфи ошди. Шунга яраша пахта очилиши орқага сурилиб, йиғим-терим кеч кузгача чўзилди.

Боя пахта устаси У.Холмирзаевни тилга олгандик. Умрзоқ аканинг изидан бориб мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам "оқ олтин"дан бирдек юқори ҳосил етиштираётган миришкор оилавий пудратчиларнинг баҳордан нолиганларини ҳеч ким эшитмаган.

Акмалжон Деҳқоновни олайлик. Суяги далада қотган. 37 гектар ерда деҳқончилик қилди. Ширкат қатори пудратчиларнинг ҳам чигит экилган майдонлари бузилиб, уруғ қайта қадалди. Нихоллар кўкариб, оқ пахтага айлангунча, далани тарк этмадилар. Қатор ораларига агротехник ишловлар ўз муддатларида, кўнгилдагидек ўтказилди. Ерни тупроқнинг дармон-дориси бўлган маҳалларида шиғил-шиғил ёмғир ёғди. Ҳосилдорлик 33,8 центнерга етказилди. Эътиборлиси ҳар гектар ҳисобига 1 миллион сўмдан даромадга эришилди. Пул даромади ошди. Хўжаликда ерни ардоқлаб, ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб, юзи ёруғ бўлаётган пудратчилар оила бюджетига кирим бўлиши кутилмоқда.

Шу билан бирга йил бошида ишни дўндирамиз, дея қуюқ ваъдалар бериб, шартноманинг ижросига келганда лафзидан қайтиб, кузакда ер чизиб қолган субутсиз пудратчилар ҳам йўқ эмас. Айтмоқчимизки, пахтачиликда фаолият юритаётган 18 та оилавий пудратчидан 12 таси шартнома мажбуриятини барбод қилганликларини қўрғонтепаликлар яхши билишади.

(Давоми 3-бетда)

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

Ислом КАРИМОВ:
«Қадимий Насаф ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутади»

ЯНГИЛАНИШ КУРТАКЛАРИ

Жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган Қарши шаҳри 2700 йиллигининг нишонланиши халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини ҳар томонлама чуқур англаш, ор-номус, ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган катта байрам ҳисобланади. Ўтмишда Нашибо ёки Боло, Еркўрғон, Нахшаб, Насаф, Заҳоки Марон деб аталган Қашқадарёнинг қуйи оқимида жойлашган Қарши шаҳри қадимий масканлардан бири.

Президентимизнинг бевосита ташаббуслари ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари натижасида вилоят марказида катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари амалга оширилаяпти. Юртбошимиз воҳада бўлганларида шаҳарнинг яқин келажакда 500 минг аҳолига мўлжалланган бош режасини ишлаб чиқиш ва барча қурилиш-ободончилик юмушларини ана шу лойиҳага мувофиқ амалга ошириш бўйича маслаҳат ва кўрсатмалар берган эдилар. Айни пайтда истиқболга юз тутган шаҳар улкан қурилиш майдонига айланган. Таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этаётган кенг ва равон йўллар, кундан-кунга кўкка бўй чўзаётган турар-жой, маданий ва маиший бинолар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда.

– Кўҳна қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди, – дейди Қарши шаҳри ҳокими Шуҳрат Турсунов. – 2006 йилда буюк давлат арбоби ва улкан саркарда миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлишини инобатга олиб, бу муҳим санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб бориш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Қўшалоқ тўйга пухта тайёргарлик кўрилаяпти. ЮНЕСКО рўйхатига киритилган қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳардаги 34 дан зиёд иншоотда иш олиб борилаяпти. 9 та тарихий обида қайта таъмирланаяпти. Мустақиллик майдони, бу ердаги бино ва иншоотлар тўлиқ реконструкция қилинди. Алишер Навоий номли марказий дам олиш боғи таъмирланиб, ободонлаштирилди. Ҳордиқ масканида 2800 ўринли амфитеатр, аквапарк, кўллар мажмуаси каби бир неча дам олиш ва кўнгилочар гўшалар бунёд этилди. Мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилиб, гулзорлар яратилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 90 миллион сўмлик марказий деҳқон бозорида ишлаётган "Саноатқурилишсервис" ташкилоти қурувчилари иншоотни вақтида фойдаланишга топшириш учун астойдил ғайрат кўрсатмоқдалар.

Қарши IX-XII асрларда ўзига хос миллий маданий марказга айланган. XIV асрда қурилган "Кўкгумбаз" жомеъ масжидини таъмирлаш учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. XVI аср ёдгорлиги "Одина" масжиди ва Сардоба мажмуасини таъмирлаш ва ободонлаштиришга 200 миллион сўм маблағ ажратилган. Қашқадарё кўприги, Хўжа Убайд Жарроҳ, Хўжа Абдулазиз, Бекмир, Қиличбек, Шарофбой мадрасалари ва бошқа тарихий обидаларни таъмирлашда қаршиликлар билан бирга Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Наманган шаҳарларидан келган қўлигул усталар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Бу йил «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг республика босқичи Қарши шаҳрида ўтказилиши зиммамизга он, сузиш бассейни каби иншоотларни қуриб, битказди. Келажак авлодни маънавий етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган хайрли ва савоб амалларга тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. «Гулшан» маҳалласида ишбилармон Ўткир Эркаев шахсий маблағи ҳисобидан спорт мажмуаси бунёд этди. Ҳозир бу ерда шуғулланаётган ёш полвон ва каратэчилар мамлакат мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб келишаяпти.

ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН

Шаҳарнинг гавжум ва баҳаво жойида қурилаётган «Маҳалла» маркази ва ёшлар зали ҳудуд чиройига чирой қўшади. «Сиҳат-саломатлик» давлат дастурига мувофиқ тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кардиология ва урология марказлари аҳоли соғлигини муҳофазалашга хизмат қилади.

Ўзбекистон кўчасида иккита 48 хонадонли кўп қаватли турар-жой қад кўтараяпти. Темирйўлчилар шаҳарчасидаги 16 та кўп қаватли уйлар таъмирдан чиқарилди. Насаф, Ўзбекистон, Амир Темур кўчалари реконструкция қилинди. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун Осиё Тараққиёт Банки ҳамкорлигида 100 километрли қувурлар тўлиқ алмаштирилди. 544 миллион сўм маблағ сарфланиб, 11,2 километрли газ тармоқлари қайтадан қурилади. Ўнлаб савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш тармоқлари фойдаланишга топширилади.

Қашқадарё қирғоқлари ободонлаштирилиб, манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилди. Қадимий Бешкент ариғи тикланиб, суғориш тармоқлари қурилди. Ҳашар усулида барпо этилган «Зиёкорлар боғи»даги дов-дарахтлар кўкка бўй чўзмоқда. Юбилей иншоотларида бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш юмушлари учун давлат бюджети ва ҳомийлар ҳисобидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Катта тўйга тайёргарлик тадбирларини ўтказишда вилоятдаги нефт-газ корхоналари, «Пахтасаноат» бирлашмаси, «Косонёғ», «Қаршиёғ» ҳиссадорлик жамиятлари, «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш» хусусий корхонаси каби ташкилотлар, тадбиркорлар фаол иштирок этмоқдалар. Шаҳар иқтисодиёти ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати кенг кулоч ёймоқда. Ривожланган коммуникация тизими, хомашё ва меҳнат ресурслари, темирйўл, ҳаво йўллари орқали ташқи бозорга чиқиш имкониятлари кенгайиб, экспорт салоҳияти ортмоқда.

Буюк Ипак йўлида жойлашган 7,5 минг гектар майдонни эгаллаган Қаршида қарийб 218 минг киши истиқомат қилади. Мавжуд 62 та маҳалланинг кўпчилиги ўз гузарига эга. Шаҳар корхоналари вилоят саноати маҳсулоти умумий ҳажмининг 19,2 фоизини ишлаб чиқаради. 44 та умумтаълим мактаби, 15 та касб-ҳунар коллежи, 3 та академик лицей ва иккита олий ўқув юрти, 13 та оммавий кутубхона ишлаб турибди. Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонаси сўнгги андозада қайта таъмирланиб, жиҳозланганлиги мухлислар қувончига қувонч қўшди. Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли мусиқали драма театри ўз репертуарларини бойитаётган бўлса, қўғирчоқ театри эса болакайлар кўнглига бир олам қувонч бағишлаяпти.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

УЙЛАР МУБОРАК

Юртимиз дурдонаси Қарши шаҳрининг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳолининг турмуш кечириши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш чора-тадбирлари кўриляпти.

Жорий йилда юздан ортиқ оила янги уйга кўчиб кирди. Жумладан, 7-митти туманда жойлашган тўрт қаватли 40 хонадонли турар-жой қутлуғ юбилейга муносиб совға бўлди. Янги уйларда ҳовли тўйлари ўтказилди. Эскирган уйларимиз бузилганидан сўнг янги қурилган кўркам иморатдан турар-жой ажратишди. Оила аъзоларимиз билан ҳамма қулайликларга эга хонадонларда бахтиёр ҳаёт кечиряпмиз.

Р.МЕЙЛИЕВА,
Ш.ҲАЗРАТҚУЛОВА,
7-митти туманда яшовчи фуқаролар

Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига янги йил табригида алоҳида қайд қилинганидек, йиллар, замонлар, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин, яхшилик ва сахийлик, олижаноблик, меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Ёшларни миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ана шундай эзгу фазилатларни соҳиби қилиб тарбиялаш йўлида оқсоқолларимиз ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Тобора кўркамлашиб бораётган шаҳримизда 12 минг 735 нафар қария бўлиб, шунинг 76 нафарини иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 67 нафарини уруш ногиронлари, 1566 тасини урушорти меҳнат фахрийлари ташкил этади.

Кексалар дуоси - эл муддаоси. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган дуогўй отахон ва онахонларнинг пок ниятлари ёшлар қалбига ёруғлик бағишламоқда Қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, етим болаларга мурувват кўрсатаётган олижаноб инсонлар ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти ибратга лойиқ.

БОҚИЙ ҚАФРИЯТ

О.Умиров раҳбарлик қилаётган кўкаламзорлаштириш корхонаси ҳомийлигида 20 нафар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила фарзандларига суннат тўйлари ўтказилиб, ҳар бир болага банкда омонат дафтарчаси очилиб, пул қўйилди. Қариялар ва ногиронларга 900 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шайхали қўрғони фуқаролар йиғини ва «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан 9 нафар болакайларнинг суннат тўйи ўтказилди. Ҳар бирига 15 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

«Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Номоз Қувватовнинг саъй-ҳаракати билан 5450 та кам таъминланган, 994 та ночор оилалар, 81 та ўзгалар парваришига муҳтож, 1421 та ногиронларга ҳомийлар томонидан 18,7 миллион сўмлик меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди. Уларнинг саховатидан Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, Кўзи ожизлар, Болалар мактаб-интернатлари ҳам четда қолган эмас.

Ёшларни Ватанга садоқатли, аҳлоқли ва одобли кишилар қилиб вояга етказишда Бекмурод Элбоев, Исом Жалилов, Эркин Жалолов, Маннон Самадов, Файзи Набиев, Акром Акбаров, Собир Зойиров, Раҳима Аминова, Озода Сайфиева, Январ Иноятовларнинг хизмати беқиёс. Табаррук қариялар Маҳаллот, Кунчиқар, Қарлиқбоғот, Рогузар, Самарқанд, Чармгар каби маҳаллаларда бўлиб, «Ватан саждагоҳ каби муқаддас», «Кексалар дуоси - эл муддаоси», «Огоҳликка даъват», «Ўз уйимизни ўзимиз қўриқлайлик», «Гиёҳвандлик—аср балоси», «Оилада фарзанд тарбияси» каби мавзуларда суҳбат ва мулоқотлар ўтказиб, эл корига камарбаста бўлмоқдалар.

М.НОСИРОВА,
Қарлиқбоғот маҳалласида яшовчи нафақахўр, Ўзбекистон халқ артисти

ЕРҚЎРҒОН НИШОНИ

Еркўрғон қадимда Қашқадарёнинг қуйи оқимида жойлашган Наутақа вилоятининг шаҳри бўлиб, 150 гектар майдонни эгаллаган ва иккита девор билан муҳофаза қилинган. Ички девор ташқарисидагига нисбатан анча салобатли эди. Баландлиги 10-12 метр атрофида бўлган. Республика Археология институтининг ходими К.Собировнинг аниқлашича, деворни тиклаш учун узунлиги ярим метр келадиган тўғри бурчакли хом ғиштлар ишлатилган. Бундай ғиштлар билан девор кўтариш одати эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрта даврига тўғри келади.

Еркўрғоннинг III-IV асрларга оид қатлами текширилганда, узунлиги 12 миллиметр, баландлиги 9,5 миллиметр, чети тилла сим билан айлантирилган ва орқа томонида илиш мосламаси бор нишон-тақинчоқ топилган. Нишонда қалъа деворининг бир қисми ва шинакли (отиш учун тешик) минора тасвирланган.

Ўрта Осиёда нишон тақиш асосан кўчманчи қабилалар орасида расм бўлган. Еркўрғондан топилган тақинчоқ эса улардан тасвири билан ажралиб туради ва ўша даврда кўчманчи ҳамда ўтроқ аҳоли маданияти уйғунлашиб кетганидан далолат беради.

Л.НАРЗУЛЛАЕВ,
тадқиқотчи

Тарихий обидалар

ҚАШҚАДАРЁ КЎПРИГИ

Пишиқ ғиштдан равоқли кўприк қуриш тажрибаси Ўрта Осиёда ўрта асрларга келиб анча такомиллашган. Бундай мукаммал иншоотлар орасида XVI асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли Қашқадарё устида қурилган кўприк энг каттаси ҳисобланади.

Дарё ўзанини кесиб ўтган, ғиштдан бунёд этилган кўприк 12 та мустаҳкам пиллапояларга таянган. Улар кенг ва паст равоқлар орқали туташтирилган. Кўприкда қайта қурилиш излари қолган, бу эса унинг анча йирик муҳандислик иншооти эканлигидан далолат беради.

Кўприқнинг узунлиги 122 метр, эни эса 8,2 метр, дарё тубидан ўртадаги йўл қопламигача бўлган баландлиги 5,35 метр. Ҳар икки томондан тирговичлар билан мустаҳкамланган. Унинг цоколи пастга томон кенгайтирила борган, ҳар бирининг диаметри қарийб 4 метр келадиган буржларга бирлаштирилган.

Дарё ўзани кенгайтирилганлиги сабабли кўприк 1914 йилда қайта қурилган. Қирғоқнинг кўҳна пиллапоялари янгиланган. Икки томонга қоровулхоналар барпо этилган. Ривоятларда Қашқадарё кўпригининг қурилиши Абдуллахон II га нисбан берилади. Қашқадарё кўприги ҳақидаги фикрларни мухтасар қилар эканмиз, кексаларнинг айтганларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Улар берган маълумотларга қараганда, Қарши шаҳрига киришда дарё устига бир неча жойда кўприклар қурилган. Бунинг исботи сифатида ҳозиргача сақланиб қолган кўприкдан сал юқорироқда дарё қирғоғидаги кўприклар қолдиқларини кўрсатиш мумкин.

Қ.НАСРИДДИНОВ,
тарих фанлари номзоди

Ижтимоий ҳимоя

ГАЗ ТЎЛОВИ МАҲАЛЛА ҲИСОБИДАН

Фуқаролар йиғинимизда халқ фаровонлигини ошириш, осойишталикни барқарор сақлашга эътибор кучайтирилган. 13 миллат вакилларидан иборат 7000 дан зиёд аҳоли дўст ва инок ҳаёт кечирмоқда.

Ҳудуддаги Темирйўлчи, Сутчи, Боғдод-люкс ширкатларига бирлашган ўн учта кўп қаватли уй таъмирдан чиқарилиб, кўчалар ободонлаштирилди. Тўймаросимларни тартибли ўтказиш ва яраштириш комиссиялари ишлаб турибди.

Ижтимоий ҳимоя устувор йўналиш. Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» марказининг вилоятдаги филиали, Қарши-Термиз минтақавий темирйўли ва шифохонаси, «Иброҳим Қошғарий» хусусий фирмаси ёрдамида фахрийлар ва ногиронлар доимий ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Б.Мингалиева, Н.Диякова, М.Тагирова, Т.Кадушкина каби 70-80 ёшли онахонлар ҳомийларнинг қўллаб-қувватлашидан мамнун. Маҳалла ҳисобидан табиий газ, сув, электр энергияси тўловларида кам таъминланган оилаларга енгилликлар берилган. Ёрдамга муҳтожлардан 26 кишининг газдан фойдаланганлиги учун маблағлар тўловлари фуқаролар йиғини ҳисобидан қопланаяпти. Улар орасида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, I гуруҳ ногирони И.Қурбонов, ёлғиз аёллар М.Маллаева, О.Вакилова, серфарзанд оилалардан Т.Ашуров, У.Чориев, О.Муродовлар бор.

Юбилей олдидан кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари олиб борилаяпти. Маҳалламиздаги тинчлик, осойишталик таъминланганлиги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик самарасидир.

Н.ИБРОҲИМОВ,
Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ТЎЙГА ТЎЁНА

Тўйга муносиб тўёна билан бориш элимизга хос одат. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилиши юртдошларимизни хайрли ва савоб амалларга даъват этмоқда. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшовчи фуқаролар, корхона, ташкилот, муассасалар улкан бунёдкорлик ва ободончилик юмушларига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Бир вақтлар Қаршида умргузаронлик қилган М.Фатхуллин ҳозирги пайтда Москва шаҳрида яшайди. Қадимий Насафнинг юбилейи бўлишини эшитиб, жамғарма ҳисоб-рақамига 1 миллион сўм пул ўтказиб, катта ҳиммат кўрсатди.

Арғамчига қил қувват, деганларидек, оз-оздан йиғилиб, тўпланган маблағ 15 миллион сўмдан ошиб кетди. Буюм бозори 1 миллион, педагогика касб-ҳунар коллежи 1,5 миллион, «Қашқадарё соҳили» санаторийси жамоаси ва Қўрғонча маҳалласида яшовчи фуқаро Т.Ҳайитов 100 минг сўм маблағни жамғарма ҳисоб-рақамига ўтказиб беришди. Чақар маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи О.Шодиева, Г.Абдуллаева, И.Ҳақбердиев, Д.Расулова сингари тадбиркорларнинг ҳар бири 40-50 минг, «Регистон» ишлаб чиқариш фирмаси 500 минг сўм маблағ ўтказдилар.

Р.ҚАЮМОВ,
Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори

КЕКСАЛАР ДУОСИ

Улуғ аждодларимизнинг шажарасини, илмий-адабий фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш, қадамжоларни обод этиш, тарихий обидаларни таъмирлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга қаратилган хайрли ишлар амалга оширилаяпти.

Шаҳримизда қутлуғ юбилей олдидан кекса авлод вакилларига алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Яқинда «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаси, шаҳар ҳокимлиги вакиллари хонадонимизга келиб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Оила аъзоларимизга телевизор ҳадя қилганларида невара-чевараларимнинг қувончини бир тасаввур қилсангиз эди.

Ногиронлар ва якка-ёлғизлардан Турди Раҳмоновага телевизор, Мўмин Бозоров, Тожи Набиева, Роза Қиличева, Олти Отамуродов каби қарияларга гилам, радио-магнитафон ва бошқа буюмлар топширилди.

М.ШАРИПОВ,
Рогузар маҳалласида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси



БУХОРОЛИК УСТАЛАР ҲИССАСИ

Асрлар оша бизгача етиб келган тарихий меъморчилик обидаларини таъмирлаш, уларни халқимизнинг ҳақиқий мулкига айлантириш ишларига Бухорои шарифдан келган қўлигул усталар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар томонидан мадраса ва масжидлар, қадимий зиёратгоҳларни ободонлаштириш мақсадида 1,2 миллиард сўмлик иш бажариш режалаштирилган.

XVI асрнинг 80-йилларида бунёд этилган Одина жомеъ масжиди қолдиқларининг топилиши ҳаммани қувонтириб юборди. Буюк соҳибқирон Амир Темур 1385-1386 йилларда Қаршида қишлаб, йирик Жума масжидини барпо этган. Йиллар ўтиши билан бу меъморий иншоотнинг гумбази ва миноралари бузилиб кетган. Шўролар замонида маҳбуслар сақланадиган жойга айлантирилган.

Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ масжидда кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бухоро шаҳридан келган ҳунармандлар қадимий иморатга ўзгача файз бағишламоқдалар.

Б.ҲАМРОЕВ,
бухоролик уста

Оқдарё туман марказий шифохонасида аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга кенг аҳамият берилмоқда. Айни пайтда 2 та ҳудудий ва 2 та марказий поликлиника ҳамда 20 та қишлоқ врачлик пункти кишиларнинг соғломлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда. ҚВПларнинг 3 таси махсус лойиҳа асосида қурилган. Қолганлари мослаштирилган биноларда жойлашган. Ўтган йили "Узун" қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" дастури асосида 12 минг АҚШ долларилик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўйича талай ишлар амалга оширилмоқда.

Суратларда: акушер-гинеколог Гулбаҳор Турғунова; доялар Наргиза Мирходиева, Хуршида Ворисова ва Дилрабо Курбонова, ҳамшира Роза Ниязова.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Биздан сўраган эдингиз

Савол: моддий ва маънавий зарар деганда нима тушунилади? Унинг миқдори қандай аниқланади?

Т.ЗОҲИДОВ, Тошкент шаҳри

Саволингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 14-моддасига биноан "Зарар" деганда (жисмоний ёки юридик) шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ё қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек, олиши мумкин бўлган аммо, олинмай қолган даромадлари, бир сўз билан айтганда, шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига нисбатан қилинган тажовуз натижасида етказилган зарар тушунилади.

Зарар моддий-мулкий ёки маънавий (номулкий) бўлиши мумкин.

Маънавий зарар жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати ёки ҳаракатсизлик оқибатида жабрланувчи бошидан кечирган ёки дучор бўлган маънавий ва жисмоний азоблар (яъни, камситиш, жисмоний ва руҳий азоб чекиш, ноқулайлик ҳолатига тушиш ва бошқалар) тушунилади.

Маънавий зарар фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, ишчанлик обрў-эътибори, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирига нисбатан қаратилган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида етказилиши мумкин. Айрим ҳолларда маънавий зарар жабрланувчини мулкий зарарга нисбатан кўпроқ қийинроқ аҳволга солиши мумкин. Чунки маънавий зарарга учраган шахс кейинчалик шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслиги, соғлиғига тиклаб бўлмас даражадаги зарар, зарба етиши, оғир касалликка дучор бўлиши, обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатиши ва шу каби кўплаб ноқулайлик ва нохушликларни бошидан кечириши мумкин.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида маънавий зарарни ва уни қоплаш масалаларига катта аҳамият берилган. Жумладан, маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик Кодексининг 11, 99, 100, 163, 1021, 1022-моддаларида, Меҳнат Кодексининг 112-моддасида, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасида, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 115-моддасида ва бошқа бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1020-моддасига биноан маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланади. Айрим ҳолларда эса зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига бирон-бир хавф манбаи томонидан етказилган бўлса ёки фуқаро қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ёки ор-номус, қадр-қиммат ва обрў-эътиборига путур етказувчи маълумотлар тарқатиш туфайли зарар етказилган тақдирда зарар уни етказувчининг айби бор-йўқлигидан қатъий назар қопланиши лозим. Жумладан, Фуқаролик Кодексининг 989-моддаси 1-қисмига мувофиқ, юридик шахс ёки иш берувчи ҳисобланган жисмоний шахс ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида унга етказилган ҳар қандай зарарни қоплаш назарда тутилган.

Маънавий зарар миқдори жабрланувчи томонидан белгиланади. Аммо унинг миқдори хусусида низо келиб чиққан тақдирда судлар томонидан жабрланувчига етказилган зарарнинг маънавий ва жисмоний даражасига, айбдорнинг ва ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг хусусиятига, жабрланувчининг шахсига етказилган зарар оқибатининг натижаларига кўра баҳоланади. Фуқаролик Кодексининг 1022-моддасига мувофиқ судлар етказилган маънавий зарарни пул билан қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик, қонунийлик тамойилларига риоя қилишлари лозим.

Республика касаба уюшма ташкилотларида

БОШЛАНҒИЧЛАРГА «ТАВСИЯНОМА»

Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам сифатида "Тавсиянома" ишлаб чиқди.

Унда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамоа шартномаларини тузиш учун тавсиялар берилган. Шунингдек, Марказий кенгаш тизимида "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонун бажарилиши назорат этиб борилмоқда. Хусусан, автокорхоналарда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жамоатчилик асосидаги назорат комиссияларининг фаолиятлари ҳам қайта тикланди.

Кўрилган ушбу чора-тадбирлар натижасида корхоналардаги иш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар камайди.

ИШ КУНИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

"Аммофос", "Оҳангароншифер", "Оҳангарон-цемент", "Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари", "Янгийўл ёғ-мой" ҳиссадорлик жамиятларида, Қуйи Чирчиқ пахта тозалаш ва бошқа бир қатор корхоналарда жамоа шартномалари асосида ойлик маошлари сақланган ҳолда кўп болали аёлларнинг иш вақти ҳафтасига бир соатга қисқартирилди.

Тошкент вилоят автомобил транспорти ва йўл хўжалиги тармоғидаги 44 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 1 минг 173 нафар аёллар ҳам ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлишаяпти.

"Трансформатор" акциядорлик жамиятида ишловчилар касалликка чалинган вақтларида дори-дармонга ишлатадиган харажатларнинг 50 фоизини маъмурият ўз зиммасига олган. Корхонада аёллар тиббий кўриги ташкил этилган. Ишчи-хизматчилар фарзандлари ёзги соғломлаштириш мавсумида йўлланмалар олиш учун ҳам турли имтиёзлардан фойдаланишмоқда.

ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИ СОВРИНДОРИ

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари Марказий кенгаши тасарруфида айни кунларда теннис, бокс, футбол, таэквондо, каратэ, баскетбол, кураш турлари бўйича барча шароитлар яратилган спорт иншоотлари ишлаб турибди.

Уларда малакали устозлар ёшларга спорт сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Шу боисдан кейинги йилларда тармоқ жисмоний тарбия ва спорт клубларида 19 нафар спорт устаси, 71 нафар номзод, 3 нафар халқаро тоифали спорт усталари тайёрланди.

Тармоқ спортчилари нафақат республика миқёсида, балки жаҳон ва Осиё биринчиликларида ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Масалан, қўқонлик боксчи Ориф Тошматов жаҳон биринчилигида бронза медали билан тақдирланган бўлса, Осиё биринчилигида кумуш медал совриндори бўлди.

Н.РАФИҚОВ

Меҳнат муҳофазаси

ТЕМИРЙЎЛДАГИ ФОЖЕА

Хавфсизлик қоидаси – умр фойдаси. Таассуфки, баъзи ҳолларда арзимасдек кўринган эътиборсизлик ўнглаб бўлмас ҳодисаларга сабаб бўлади. Тошкент минтақавий темирйўл узели Сирдарё бекатида ана шундай мудҳиш хатога йўл қўйилди.

Ҳеч ким поезд тузувчиси Жалил Арабовни интизомсиз ходим, дея олмасди. Соҳада ишлаб муайян тажриба орттирган. У ўтган йилнинг 6 декабр куни ҳам ишга келди. Жорий йўриқнома билан танишгач, ишга тутинди. Шу куни соат 14 ларда бекатнинг 4-йўлига Бекобод-Ангрен йўналишидаги 6-состав, 3001-поезд қабул қилинган. Участка диспетчери А.Садриев томонидан поездга қўшимча 14 та бўш вагон қўшиш бўйича бекат навбатчиси Ҳасан Тўлаганова топшириқ берилади. Ж.Арабов ҳамда тепловоз машинисти Н.Балавин тўққизинчи йўлдан 19 та вагонни олиб чиқиб, шундан 14 тасини М-17 рақамли светофор олдига қўяди. Светофорнинг рухсат берувчи чироғи ёнгач, вагонларни юқоридаги поездга улайди.

Даставвал барча ишлар рисоладагидек кетаётганди. Юмушнинг маълум қисми бажарилгач, қолганига киришади. Аниқроғи тузувчисиз қолган 5 та вагон билан М-17 светофорга қайтиб чиқиб, уларнинг 2 тасини 9-йўлга қайтариб қўйган. Қолган 3 та вагон билан яна М-17 светофорга қайта чиққан. Сўнгра М-17 ва М-19-сонли светофорларнинг рухсат чироғи ёнгач, 3 та вагон билан 8-йўлга кира бошлайди. Бекатда турган 3001-сонли поездга уланган вагон чегаралаб турувчи ҳудуддан 14 метр чиқиб қолганлиги туфайли тўқнашув содир бўлади. Зинапояда турган поезд тузувчи Ж.Арабов вагонлар орасида қолиб кетади.

Жон ҳолатдаги қичқириқдан ҳушёр тортган ҳамкасблари унга ёрдамга отилишган. Аммо эҳтиётсизлик ўз ишини қилиб бўлганди. Ишни ташкил этишдаги хатолик фожеага сабаб бўлди. Бир инсон ҳаётдан барвақт кўз юмди. Фарзандлари ота меҳрига зор бўлиб қолди.

Аслини олганда, фожеа юз бермаслиги ҳам мумкин эди. Аммо айрим мутахассислар лоқайдлиги, масъулиятсизлиги кўнгилсизликни келтириб чиқарди. Аввало поезд тузувчи хатога йўл қўйди. Қолаверса, бекат катта электромеханиги И.Цой керакли чораларни ўз фурсатида кўрмаганлиги фожеага олиб келди. Таассуфланарлиси, ҳар бир юмушни тегишли йўриқномалар асосида бажаришнинг унутилганида. Инсон умри азиз. Бу масалада лоқайдлик, бепарволикка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Т.АБДУРАЗЗОҚОВ, Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси меҳнат техника инспектори

ҚИШЛОҚДА МИНИ - БАНК

Пахтаобод туманидаги «Янги турмуш» қишлоғида акциядорлик-тижорат «Пахта банк» туман бўлимига қарашли мини-банк фаолият бошлади. Бу туманнинг чекка ҳудудларида очилган мини-банкларнинг бешинчисидир.

- Мазкур мини-банк очилгунига қадар туман марказига қатнашга мажбур бўлган қишлоқ аҳолиси эндиликда шу жойда коммунал тўловларни амалга ошириш, пул ўтказмаларини юбориш, кредит олиш ва бошқа хизматлардан фойдаланишлари мумкин.

"Дамас" микроавтобусига ўрнатилган кўчма касса аҳолига банк хизматларини кўрсатиш кўламининг ошишига омил бўлмоқда. Узоқ посёлкаларда яшовчиларнинг коммунал тўловларини ўз вақтида амалга ошириши туфайли ойлик тушум ҳажми 70 миллон сўмдан ошмоқда.

«Туркистон-пресс»

«Ўзнефтмаҳсулотлари» акциядорлик компаниясининг Асака бўлими томонидан ўтган йили хайрия мақсадларига 2 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

Жумладан, Асакадаги 33-сонли ўрта мактабга 1,8 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олинган маблағ ўқув корпуси ва ёрдамчи бинони капитал таъмирдан чиқаришга сарфланди. Шунингдек, 32 хонадонли кўп қаватли турар жой биноси қишки мавсумга тайёрланди.

Бундан ташқари корхона мунтазам равишда кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек, жамоа аъзоларига оилавий тантаналарни ўтказишда ҳам беғараз ёрдам кўрсатмоқда.

ДАРСДАН КЕЙИН - ТЎГАРАККА

Учқўрғон туманидаги 43-мактабнинг ўнлаб ўқувчилари дарсдан сўнг театр тўгарагига қатнайди.

- Бугун Учқўрғонда 30 мингдан ортиқ бола яшайди, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири И.Жўраев. - Уларнинг етмиш фоизга яқини ўқишдан бўш пайтида мактабдан ташқари турли тугараклар, клублар ва спорт секцияларига қатнайди. Туман педагоглари маҳаллалар фаоллари, прокуратура, милиция, жамоат ташкилотлари ходимлари билан биргаликда ўқувчи ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда «Сиз қонунни биласизми?», «Сизнинг ҳуқуқингиз» танловлари, диний экстремизм ва халқаро террорчиликнинг моҳияти ҳамда мақсадлари тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси ўсмиларни ёмон таъсирдан ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Яқинда учқўрғонлик ёш театр ихлосмандлари гиёҳвандликнинг ёмон оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Сўнган умид» номли театрлаштирилган томошани тенгдошлари эътиборига ҳавола этди.

(ЎзА)

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

Касби туманидаги Алишер Навоий номли тажриба хўжалигида баҳорги экин-тикин ишларига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Айни пайтда бу ерда 50 га яқин чопиқ тракторлари ҳамда мавжуд культиватор, сеялка ва бороналар мавсумга шай қилиб қўйилди. Ўз навбатида механизаторлар ва созловчилар уч маҳал овқат, иссиқ кийим-кечак билан таъминланиб, уларга барча қулайликлар яратиб берилганлиги муваффақиятлар омили бўлди.

— *Техникадан унумли фойдаланганимиз боис ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирдик, - дейди хўжалик бош муҳандиси С.Сиддиқов. — Бу йилги режаларимиз янада улкан. Бунинг учун биз ҳозирдан пухта замин яратяпмиз.*

Суратларда: механизатор Бобоқул Отамуродов; чопиқ тракторлари мавсумга шай.

А.ХУДОЁРОВ олган суратлар

УЧ СМЕНАДА

Сирдарё вилоятидаги Сайҳун пахта тозалаш корхонаси ўтган мавсумда фермер хўжаликларидан 34 минг 352 тонна хомашё қабул қилиб олган эди. Ҳозир бу ерда кунига 40-50 тонна ҳосил қайта ишланмоқда.

Корхонада юқори унум ва самарадорликни таъминлаш мақсадида иш уч сменада ташкил этилган. Бугунги кунгача қайта ишланган тола миқдори 20 минг тоннадан ошиб кетди.

Олинган маҳсулот асосан Англия, Швейцария, Германия каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Пахтадан ажратилган чигит эса пешма-пеш «Гулистонёғмойэкстракт» корхонасига жўнатилаётир.

Танқид ва таҳлил

ҚАРЗДОРНИНГ КОСАСИ ОҚАРМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

Сайфулло Абдукаримов оз эмас, кўп эмас 49 гектар ерни ижарага олган. Гектаридан 28-30 центнердан хирмон кўтариш юзасидан хўжалик мутасаддилари билан келишган. Техника дейсизми, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит дейсизми, ширкатдан канда қилмай олган. Бироқ бор-йўғи 14,7 центнердан пахта топшириб, қузакда қуруқ қўл билан қолди. Сабабини сўрасангиз обҳавони айблашдан нарига ўтмайди.

Баҳодир Ҳайдаров ҳам ернинг умрини бекор ўтказаётганлардан. 50 гектар ернинг эгаси. Ҳалқимиз нонни катта тишласанг ҳам, катта гапирма дейди. 30 центнердан кам бўлмайди, деб шартномага қўшқўллаб имзо чекди. Ҳосил тарозига тушганда, ер эгасини топмаганлиги маълум бўлди. Атиги 16 центнер хирмон билан йил якунланди. Бош пудратчи Ғанижон Умаров ҳам пахта тайёрлаш шартномавий топшириғини аро йўлда қолдирди. Ижарадаги 20 гектарлик майдондан 11,1 центнердан ҳосил олиб, ишончи оқламади.

Ана шуларнинг айби билан ширкат пахтачиликдан 105 миллион сўм зарар кўриб, томоғигача қарзга ботди. Ишловчилар эса даромаддан махрум бўлдилар, энг ёмони иш ҳақидан барака кетди. Ғўза қатор ораларига ишлов берилганлиги, йиғим-терим даврида ҳамма ердагидек механизатор ҳамда теримчиларга 320 миллион сўмдан зиёд иш ҳақи тарқатилганлиги тўғри. Янги йил арафасида 3 минг сўмдан пул, гўшт маҳсулотлари ишловчиларга байрам совғаси сифатида берилганлигини ширкат аъзолари билан мулоқотда эшитдик. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли "Иш ҳақи вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ойлик маошларнинг узлуксиз қўлга тегиши алоҳида таъкидланган. Иш берувчи ҳамда касаба уюшма ташкилоти ўртасидаги имзоланган жамоа шартномасига МКнинг 110-, 154-, 164-моддаларига кўра иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши шарт қилиб қўйилган. Хўш, ушбу шартнома мажбуриятлари иҗроси қай аҳволда, ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси юзасидан касаба уюшмаси қандай фаолият юритаяпти, деган саволлар билан қизиқдик.

Касабақўм раиси Улуғбек Тожибоев бетоблиги боис у билан учраша олмадик. Ўриндошини суриштирдик, унинг кимлигини ҳеч ким билмади. Шу алфозда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Андижон вилоят кенгашининг лўндаси, унинг иқтисодий ночорлиги ойдинлашади. Ҳа, ширкатда "супра" қуриган.

— Молиявий ҳамкоримиз Қўрғонтепа туман "Пахтабанк"дан умидимиз катта, - дейди парвойи палак оҳангда бош ҳисобчи Ҳамдамжон Муқимов. — Кредит берилишини кутяпмиз.

Бош ҳисобчи хўжаликда 1000 нафардан зиёд ишловчилар меҳнат қилаётганлигини, идора ходимлари, техника саройидаги ҳайдовчилар, созловчилар вақтида маош ололмаётганлигини тан олди. Яхшиси, юк машинаси ҳайдовчиси Рахмиддин Деҳқоновдан эшитинг:

— Йиғим-терим бошланиши билан эртадан-тонггача даладан марказий хирмонга пахта ташийман... Аммо хазинадан маош санаб олганимни эслай олмайман. Янги йилга деб бир марта 3000 минг сўмдан пул, бир килодан гўшт, оқ ёғ берилгани рост.

Мотор созловчи Иқболжон Абдураҳмонов суҳбатга қўшилди:

— Фарзандларимнинг бириси ўқувчи, бириси коллеж талабаси. Кийим-бош, ўқув қуроллари хариди нақд пулсиз битмайди. Иш ҳақи эса эшитганингиздек насия.

Ишловчилар билан мулоқот техника саройида, қишлоқ хўжалик машиналарини баҳорга созлаш жараёнида бўлиб ўтди. Таъмирловчиларга яратилган меҳнат ва маиший шароит, яъни меҳнат муҳофазаси эътиборимизни тортди. Дам олиш хонаси томон юрдик. Деворлардаги манзарали расмдан бошқа на телевизор, на рўзномалар тахлами бор. Хайҳотдек печкага олов ёқиб хонани иситиш билан ҳеч ким қизиқмайди. Уч-тўрт нафар созловчилар гурунг қурганлар. Айтишларича, иссиқ овқат ҳар куни бисёр, фақат бошқа хонада тайёрланиб, дам олиш хонасига келтирилади. Ювиниш хонаси ҳам йўқдан кўра бор. Бироқ эшигида қулф кўриб, ҳафсаламиз пир бўлди.

Булар ҳаммаси маблағга бориб тақалади, албатта. Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин деганлари шу бўлса керак-да.

С.РЎЗИМАТОВ, "Ишонч" мухбири

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- *Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.*
- *Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.*
- *Автомобилларга божхона солиғи тўланган.*
- *Уларнинг сифати тўла кафолатланади.*

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

«Лазги»га ўйнаганда...

Ҳ.ПАЙДОЕВ олган сурат

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Ҳар ким йўталга гирифтор бўлса, ҳеч даво топмаса, анжирни сутда қайнатиб, уч кундан кейин еса, дардига даво топади.

(Анжирни қайнаётган сутга солиш керак).

* * *

Балиқ ёғи кўзга суртилса, равшан бўлади.

* * *

Ҳар кишининг меъдаси оғриса, ёмғирни ҳар вақт қайнатиб ичса, даф ўлғай.

* * *

Агар кишининг қулоғи кар бўлса, олмурут уруғи ёғини қулоққа томизса, шифо топади.

* * *

Турп уруғини саримсоқ билан қайнатиб ола (пес) бўлган жойга суртса, фойда қилур.

* * *

Шақиқа билан оғриган киши гулирайҳон суви билан бошини ювса, ҳар қандай бош оғриғидан халос бўлур. Агар соч ва соқолга суртса қора бўлур.

* * *

Агар кишини чаён чақса, саримсоқни қовуриб еса шифо топғай.

* * *

Агар хачирни туёғини тутатса, ўша жойдан тамом сичқонлар қочғай.

* * *

Агар кишининг жигари оғриса, теванинг ўфкасини еса, оғриғи йўқолур. Ўфкада хосият кўпдир. Фарзанд бўлишига ҳам ёрдам берғай.

Навоий сабоқлари

«ЎЗБЕКИ ГУЛНОРИ ТЎНДИН КУЙДУМ...»

Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр,
Тўрт унсур кисватидур гўйиёким жон кияр.

Ўзбеки гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтурур,
Лемуйи терлик анинг остидаким жонон кияр.

Икки ёнимни шикоф айлаптурур бу рашкким,
Икки ёнидин шикофин боғламай қаптон кияр.

Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,
Кўнглаки гулгун елак чун савсани каттон кияр.

Ораз узра шўхлуғдинму ёпар санжобини,
Йўқса санжоби булуттурким маҳи тобон кияр.

Ҳар чубулған торидур сарриштаи иззу шараф,
Эски шолеким, фано кўйида бир урён кияр.

Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ
Поку беғашдур, гадонинг кисватин султон кияр.

Бу ғазал дастлаб "Наводир ун-ниҳол" девонига, сўнгра эса "Хазойин ул-маъоний"нинг "Наводир уш-шаббоб" девонига киритилган. Тўғри, шоирнинг лирик меросида тасвир бошдан-охир ранг ёки либос билан ёхуд ҳар иккисининг уйғунлигида яратилган 30 дан ортиқ ғазал учрайди. Бироқ тўрт хил ранг ва 10 турдаги либос орқали бир вақтнинг ўзида жонли портрет ва манзара яратиш нафақат ўзбек ғазалиётида, балки Шарқ шеърияти тарихида камёб учрайдиган адабий ҳодисадир. Шунинг учун ҳам ушбу ғазал таниқли навоийшунослар эътиборидан четда қолмаган.

Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр,
Тўрт унсур кисватидур гўёйиким жон кияр.

Мазкур ғазал матлаъсининг биринчи мисрасини икки хил талқин қилиш мумкин, яъни жонона тўрт хилмахил рангдаги ҳулла-безаклар билан зийнатланган либос кийган. "Тўрт ранг" дейилганда исталган тўрт ранг мутаносиблигини тасаввур қилиш ҳам мумкин. Ахир, табиатдаги етти асосий ранг (қизил, сариқ, яшил, кўк, оқ, қора, зангори)ни қўшиш ва қориштиришдан юзлаб ранглар ҳосил бўлади. Иккинчи маъно эса жононанинг тўрт рангли тўртта либос кийганлигини англатади. Бу либосларнинг ранги эса кейинги байтларда ойдинлаштирилиб борилади. Иккинчи мисрада Навоий инсоннинг Оллоҳ таоло томонидан тўрт унсур воситасида яратилганлиги ҳақида диний, фалсафий қарашларга таянади. Ундаги "жон" сўзи "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"да руҳ, тириклик, ҳаёт, аъзои бадан, вужуд каби саккизтадан ортиқ маънони англатиб келиши изоҳлаб берилган. Демак, шоир "жон" вужуд мазмунида ишлатган. Зеро, инсон вужуди тўрт унсур: тупроқ (қора), сув (кўк, мовий), олов (қизил), ҳаво (сариқ)дан яратилган.

Ўзбеки гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтурур,
Лемуйи терлик анинг остидаким жонон кияр.

"Ўзбеки гулнори тўн" — қанақа тўн бўлганлигини биз бугун аниқ таърифлаб беролмаймиз. Лекин у ўша замоннинг энг нафис, чиройли ва бежирим кийими бўлганлиги шубҳасиз. Анор гулли тўнда янада жозибали бўлиб кетган жонона остидаги сариқ кўйлаги билан ошиқнинг ишқини янада оловлантиради. Ошиқ куйиб, ҳижронда шу қадар сарғайиб кетадики, унинг муҳаббат оташида тобланган танаси билан маъшуқанинг "лемуйи терлик" либосини фарқлаш мушкул ҳолга айланади.

Икки ёнимни шикоф айлаптурур бу рашкким,
Икки ёнидин шикофин боғламай қаптон кияр.

Байтнинг иккинчи мисрасидаги қаптон икки ёнидан боғланиб кийиладиган тўн ёки камзул бўлиб, у ёрни улуғвор ва салобатли кўрсатади. Бу эса ошиқнинг ҳолини яна ҳам танг қилиб қўяди, яъни бундай гўзаллик ва жозибани кўрган ошиқ уни ҳатто ўз кўзларидан ҳам рашк қила бошлайди-ю, охир-оқибатда бу ҳасрат унинг жигар-бағрини "тешиб" юборади.

Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,
Кўнглаки гулгун елак чун савсани каттон кияр.

Тўлин ой шуъласида қизил гулга чирмашиб ўсаётган каноп (яшил поя) ўсимликгини назарга келтиринг. Маъшуқа вужудидаги енгсиз гулгун либос (елак) билан канопдан тўқилган катон – яшил кўйлак худди шу манзарага ўхшайди. Қадди қомати расо маҳбуба юпқа савсаний (яшил ранг) катон устидан енгсиз қизил кўйлак кийган.

Ораз узра шўхлуғдинму ёпар санжобини,
Йўқса санжоби булуттурким маҳи тобон кияр.

Бунда энди бошқа кайфият ва манзара тасвирланган. Ёз оқшомларида тиниқ осмонда аҳён-аҳёнда пайдо бўлиб, парча-парча сузиб ўтадиган булутлар ой юзини беркитганидек, дилбар ҳам мовий (кўк) санжоб (кўйлак)ининг енги билан юзини дам-бадам ёпиб-очиб, ўз асрини ҳайрону лол даражага етказган.

Ҳар чубулған торидур сарриштаи иззу шараф,
Эски шолеким, фано кўйида бир урён кияр.

Навбатдаги байт бевосита лирик қаҳрамоннинг ботиний оламига алоқадордир. Қадимда "эски шол" қачон кийилган? Қачонки тариқат йўлга кириб, кўнглини дунёнинг ўткинчи ҳамма нарсадан ҳоли қилганда. Зеро, ушбу шол оддий ипдан эмас, балки иззату шараф ришталари билан тўқилган (Чин ошиқ Оллоҳ ҳузурида ҳақиқий иззат-шараф эгаси бўлади).

Ниҳоят, ғазалнинг охирги байтини ўқиймиз:

Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ
Поку беғашдур, гадонинг кисватин султон кияр.

Мумтоз шоирларимиз қатори Навоий ҳам "эски шол", "хирқа", "жанда" кийимининг хосиятига алоҳида эътибор қаратади. Чунки булар ҳақиқий ва содиқ ошиқнинг кўнглини "пок" қилади. Шунинг учун бадиий либосларга фақат "ғарибу гадо" (ошиқ)лар эмас, шоҳу султонлар ҳам муҳтожлик сезганлар.

Сирдарё ЎТАНОВА,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти

СПОРТ+ФУТБОЛ

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ МАВҚЕИ ЯХШИЛАНДИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (XFTS) дунё клубларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Январ ойи натижаларига кўра, кучли 350 клуб таркибидан Тошкентнинг "Пахтакор" ҳамда Фарғонанинг "Нефтчи" жамоалари ҳам бор, деб хабар беради Ўзбекистон Футбол Федерацияси ахборот-таҳлил бўлими.

Ўтган ойда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубогида иштирок этган пахтакорчилар 201-поғонадан 197 ўринда кўтарилишган. Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси эса 8 поғона юқори поғонага силжиб, 331-ўринга кўтарилиб олган. Ўтган ойда Юрий Саркисян шогирдларидан таркиб топган жамоа 339-ўринда бораётган эди.

Осиё миқёсида эса энг кучли клуб, рейтингга кўра, Бирлашган Араб Амирлигининг "Ал-Айн" жамоаси ҳисобланади. Ундан кейинги ўринларни "Ал-Файсали" (Иордания), "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони), "Паас" (Эрон), "Сувон Самсунг Блуевинс" (Жанубий Корея), "Ал-Садд" (Қатар) эгаллаб туришибди. "Пахтакор" ушбу минтақада 7-ўринда бормоқда.

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИГА ИККИ ҲАФТА ҚОЛГАНДА

Осиё Футбол конфедерацияси ижроқўми Ўзбекистон терма жамоасининг Осиё чемпионати саралаш баҳсларидаги рақиби — Бангладеш термаси бош мураббийи аргентиналик Диего Кручианининг бош ҳакамга ҳужум қилганлиги тўғрисидаги иши ФИФАнинг тартиб ўрнатиш қўмитасига оширилди.

Диего Кручиани ўтган йилнинг декабрида – Осиё чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқи учун Покистон терма жамоасига қарши Дакка шаҳрида кечган баҳсдан сўнг учрашув бош ҳаками ҳиндистонлик Ризвон Ул-Ҳаққа жисмоний ҳаракатлар билан ҳужум қилмоқчи бўлган, аммо Баҳрайн терма жамоаси менежери томонидан тўхтатиб қолинган эди. Аргентиналик мутахассис бу иши учун кейинчалик узр сўраган ва ишнинг ФИФА даражасидаги муҳокамага қўйилишига розилик берган эди.

Осиё Футбол конфедерацияси тартиб ўрнатиш қўмитаси 22-28 феврал кунлари аппеляция қўмитаси билан бирга йиғилиш ўтказади. Ушбу йиғилиш кун тартибидан Кручиани иши жой олмаган. Бу масала ФИФАнинг тартиб ўрнатиш қўмитасида кўриб чиқилади.

Эслатиб ўтамиз, Бангладеш терма жамоаси 22 феврал куни Тошкентда Непомнящий шогирдларига қарши тўп суриш учун майдонга тушади.

"ЧЕЛСИ"ГА ЕТИБ ОЛАДИГАН КЛУБ БОРМИ?

Бугунги кунда бутун Англия ана шу саволга жавоб тополмай ҳайрон. Бу айниқса, сўнгги тур натижаларидан сўнг янада долзарб бўлиб қолди. Сабаби Жозе Моуриньо шогирдлари Лондонда "Ливерпул" билан ўтказилган учрашувда 2:0 ҳисобида ишончли ғалаба қозониб, меҳмонларнинг илгари силжишини тўхтатиб қўйди.

Гарчанд турнир жадвалида иккинчи поғонада бораётган "Манчестер Юнайтед" яна сермаҳсул футбол намунасини намойиш этишга муваффақ бўлган ва "Фулхем" устидан 4:2 ҳисобида устун келган эса-да, унинг ҳам "Челси" тушган поездга етиб олишига амалда имконияти нинг ўзи йўқ. Таъқибчиларидан ўзиб кетган лондончиклар бу йил ҳам чемпионлик шоҳсупасига кўтариладиган кўринади.

КИМ, ҚАЁҚҚА?

"Ньюкасл" рахбарияти эгасиз қолган жамоага бош мураббий қидириш билан овора. Мутасаддиларнинг ўзига қолса, шу пайтгача "Болтон" жамоасини бошқариб келаётган Сэм Эллардайс айни муддао. Лекин у рози бўлармикан? Айтишларича, Сэмга ўйлаш учун икки ҳафта муҳлат берилган.

ЛУА-ЛУА "ТОТТЕНХЕМ"ГА ЎТМОҚЧИ

"Портсмут" клуби ҳужумчиси Ломана Трезор Луа-Луа оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида Лондоннинг "Тоттенхем" жамоасида тўп суриш нияти борлигини эътироф этган. Лекин унинг нияти ёзга бориб-гина рўёбга чиқиши мумкин.

АДИБГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Ат-Термизий номидаги Сурхондарё вилоят кутубхонасида Ойбек таваллудининг 101 йиллиги муносабати билан "Халқимизнинг севимли адиби" деб номланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Н.Ашурматова, Н.Йўлдошев, Ҳ.Файзиевалар адибнинг ижоди ва фаолияти ҳақида маъруза қилдилар. Учрашув қатнашчиларида "Болалик хотираларим" деб номланган китоб кўргазмаси катта қизиқиш уйғотди.

ИЖОДИЙ САФАР БИЛАН МОСКВАДАН ТОШКЕНТГА

Жорий йилнинг 16 – 26 феврал кунлари дунёда ном қозонган театр жамоаларидан бири - К.Станиславский ва В.Немирович-Данченко номидаги Москва мусиқий академик театрининг балет гуруҳи илк маротаба Тошкентда ижодий сафарда бўлади.

Ижодий сафар давомида мазкур гуруҳ репертуаридаги энг оммабоп асарлар - «Оққуш кўли», «Дон Кихот», «Жизель» ва «Щелкунчик» сингари спектакллар мамлакатимиз санъат ихлосмандларига намойиш этилади.

Кутилаётган ушбу ижодий сафар муносабати билан мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мусиқий театрнинг матбуот атташеси Дмитрий Абаулин тахминан юз нафар иқтидорли санъаткорни ўз атрофига бирлаштирган жамоа тўла таркибда Тошкентга келишини маълум қилди. Унинг айтишича, спектакллар А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг симфоник оркестри жўрлигида намойиш этилади. Шу боис москвалик театр дирижёрлари ва концертмейстерлар ўзбекистонлик театр мусиқачилари билан биргаликда тайёргарлик кўриш учун муддатидан олдин Тошкентга келишади.

Матбуот анжуманида «Росзарубежцентр» ваколатхонасининг раҳбари Татьяна Мишуковская сўнгги йилларда Ўзбекистон - Россия маданий ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётгани хусусида тўхталар экан, жорий йили бу соҳада амалга оширилиши кўзда тутилаётган ўзаро ҳамкорлик режалари тўғрисида тадбир иштирокчиларига атрофлича маълумот берди.

Феруза ҒУЛОМОВА
«Жаҳон» АА

Маданият янгиликлари

БИЛИМДОНЛАР КЎРИГИ

Самарқанддаги Пушкин номидаги вилоят кутубхонасида "Президент асарлари билимдонлари" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу асарлар мазмун моҳиятини кенг аҳоли онгига сингдириш, бой адабий меросимизга бўлган ҳурматни шакллантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда туман ва шаҳарда ғолиб бўлган 14 та иштирокчи ўзаро беллашди. Самарқанд туман кутубхоначиси Зарифа Мўминова ғолиб деб топилиб, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«АРОСАТ ИЗТИРОБИ»

Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри жамоаси шу кунларда Қорақалпоғистон республикасида ўз ижодий сафарини муваффақиятли ўтказмоқда. Режиссёр Рустам Алиев саҳналаштирган драматург Полат Айтмуратовнинг "Аросат изтироби" спектакли томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жумадилла Раметов асосий ролни ижро этмоқда. Қорақалпоқ халқининг ҳаёти асосида саҳналаштирилган бу асар Нукус, Тахиатош шаҳри, Хўжайли, Тўрткўл, Қўнғирот, Чуманай, Чимбой, Элликқалъа туманларида намойиш этилди. Шу кунларда театр томошалари Нукус Давлат университетида ва бир қанча коллеж, лицей ҳамда бошқа ташкилотларда ҳам кўрсатилмоқда.

Р.ОРИПОВ

Ўқинг, бу қизиқ

НОННИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Ҳар куни севиб истеъмол қиладиган нонингнинг ёши нечадалиги кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Олимларнинг эътироф этишларича, нонингнинг ёши 6000 йилга тенг экан. Тўғри, қадим аждодларимиз истеъмол қилган нон бугунгиларига мутлақо ўхшамайди. У вақтларда бошоғи билан қовурилган дон, тош орасига олиб янчилган ёрмалар нон ўрнига ўтган. Қадимги Миср фираъвинларнинг мақбараси деворларига нон тайёрлашнинг дон йиғиш, уни янчиб ун қилиш, хамир қориш ва нон ёпишигача бўлган барча жараёнларнинг сурати чизилган эди. Швейцариядаги бир музейда эса энг қадимги нон сақланади. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ана шу нон бундан 6000 йил олдин пиширилган.

БИЛАСИЗМИ?

- Одамнинг юраги бир суткада ўртача 100800 марта уради.
- Одам танасида 250 хил хўжайра бор.
- Одамнинг скелети 206 та суякдан иборат.
- Электр лампочкаси одам танаси иссиғидан қувват олганда бир ярим кун ёнган бўларди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Ахат Жумаевга волидаи муҳтарамаси

ЗИЁДА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Марказий кенгашнинг Фарғона вилояти бўйича Вакиллиги тармоқ касаба уюшма Риштон туман кенгаши раиси

Сулаймон ОТАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Масала кўндаланг қўйилади

ЧОРАСИЗЛИК ТУФАЙЛИ

уйимдаги телефонни олиб келиб ўрнатдим, дейди мактаб директори

Бугун инсоният тараққиёт асрида яшамоқда. Ҳаётимизни компьютер, интернет, уяли алоқа воситалари сингари янги технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Янгилик инсонларни ўзига оҳанрабодек жалб этаётгани бор гап. Юртимизнинг кўплаб гўшаларида интернет-кафе, интернет-бар, телефон алоқа шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Илмга чанқоқ ёшлар интернет орқали дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бир зумда бохабар бўлишмоқда. Мамлакатимизда бу соҳага ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 200-сонли қарори юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Сурхондарё вилоятининг айрим туманларидаги аҳвол билан танишганимизда ноҳуш ҳолатларга гувоҳ бўлдик. Жумладан, Олтинсой туманида 62 та умумий ўрта таълим мактаби, 18 та мактабгача таълим муассасида 35 минг нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Мактабларнинг биронтасида ҳам интернет, телефон алоқаси мавжуд эмас. Таълим даргоҳларининг 19 фоизидагина компьютерлар ўрнатилган бўлиб, улардан ҳам оқилона фойдаланилмаяпти.

Туман ҳокимлиги молия бўлими ва "Сурхондарётелеком"нинг Олтинсой телекоммуникация боғланмаси мутасаддиларига ушбу масалада мурожаат қилганимизда тайинли жавоб ололмадик.

Туман марказидаги 1200 нафар ўқувчига мўлжалланган 1-ўрта мактабнинг бир корпусида туман халқ таълими бўлими жойлашган. Бу ерда ҳозирда 600 нафар ўқувчининг таълим олиши учун шароит яратилган, холос. Ўқиш бир сменада ташкил этилган бўлиб, ўқитувчиларнинг кўпчилиги интернет алоқаси ҳамда компьютер билимларига эга эмас. Қанча маблағлар эвазига келтирилган компьютерлар эса дарс жараёнида қўлланилмаяпти.

— Мактабимизда телефон алоқаси шу кунгача йўқ. Бу ҳақда қилган мурожаатларимиз жавобсиз қолгач, уйимдаги телефонни олиб келиб ўрнатишга мажбур бўлдим, — дейди мактаб директори Шерзод Элмуродов. - Телефон алоқаси жуда ёмон ишлайди. Халқ таълими бўлими ёнимизда бўлса ҳам алоқа қилиш ниҳоятда оворагарчилик туғдирмоқда... Компьютер синфимиз эса ўқувчиларга эмас, халқ таълими бўлими ҳамда бошқа мактаблар ходимларининг турли хил топшириқларини бажариш учун улар ихтиёрига бериб қўйилган.

Шунингдек, 1-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам телефон алоқаси йўқ. Бу ерда болажонлар учун етарли шароитлар яратилмаган. Телевизор, миллий мусиқа асбоблари, болалар саломатлигини назорат қиладиган ампометрия ўлчовлари, хона ҳароратини ўлчайдиган оддий асбобларнинг мавжуд эмаслигини қандай тушуниш мумкин?

Кўпгина мактаблар тоғли ҳудудларда жойлашган. Қиш пайтларида у ерларга боришнинг иложи йўқлиги боис ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс таҳлили, билим кўникмалари билан ҳеч ким шуғулланмаяпти чоғи. Туман марказида фаолият кўрсатаётган атиги битта интернет-кафеда ҳам бирон-бир ўқувчини учратмайсиз.

Узун тумани чегара ҳудудда жойлашган. Бугунги кунда бу ерда 68 та умумий ўрта таълим мактаби, 25 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд. 33 мингга яқин ўқувчи таълим олаётган мактабларнинг атиги 4 тасидагина телефон алоқаси бор. Боғчаларда ҳам аҳвол худди шундай. Бунинг устига халқ таълими бўлимининг туман марказидан олисда — Б.Омонов номли ширкат хўжалигида жойлашганлиги ўқитувчи ва мураббийларнинг бу ерга келиб-кетишларида анча оворагарчиликни келтириб чиқармоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, тумандаги барча аҳоли пунктларига телефон симлари борган. Нега энди минглаб ўқувчилар ўқийдиган таълим даргоҳларини телефон алоқаси билан таъминлаш учун ҳеч ким қайғурмаяпти? Бу масала юзасидан Узун телекоммуникация боғланмаси бошлиғи Зокир Бегматовнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Бу вилоятимиздаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Халқ таълими бошқармасидан олинган хатда кўрсатилишича, вилоятдаги мавжуд мактабларнинг 286 тасида, мактабгача таълим муассасаларининг атиги 73 тасида телефон алоқаси мавжуд. Носозликлар туфайли уларнинг ҳам ярми бугунги кунда ишламайди. Узун туманида эса бу рақам 7-8 фоизни ташкил этади. Тўғри, таълим даргоҳларини телефон алоқаси ёки рация билан таъминлаш катта маблағни талаб этади, лекин бу муаммони бартараф этса бўлади...

Мутасаддининг фикрида жон бор. Халқ таълими бўлимида бўлганимизда узоқ қишлоқлардан келган ўқитувчи-мураббийлар ҳисобот ҳамда хат-хабарларни бу ерга олиб келиш учун анча сарсон бўлаётганликларини таъкидлашди.

Узун туманига қўшни Сариосиёда эса аҳвол бундан-да аянчли. Алоқа сифатининг пастлиги туфайли мактаблардаги мавжуд телефонларда сўзлашиш имконияти деярли йўқ.

— Мактаб ва боғчаларни қўяверинг, телекоммуникация боғланмаси шохобчаларидан бирор-бир манзилга телефон қилсангиз, бошқа жойга кетма-кет уланиб қолаверасиз, — дейди оқсоқол Парда Ибрагимов. — Яқин йиллардан буён алоқа тизимидаги носозликлар сабаб қимматроқ бўлса-да, уяли телефон харид қилиб мулоқот қилишга тўғри келмоқда...

Хўш, юқоридаги туманлардаги муаммолар қачон ўз ечимини топади. Ёки аҳвол шу зайлда давом этаверадими?

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18996 Буюртма Г— 414

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456